

## НАМАНГАН ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2025 йил февраль ойининг 11 куни, Наманган вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг очик суд мажлисида,  
раислик қилувчи судья: Д.Т,  
ҳайъат судьялари: Д.К ва Ш.Қдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси [REDACTED]нинг котиблигида, тарафлардан Наманган вилояти прокуратураси бўлим прокурори Р.О, судланган Ф.Ҳ ва унинг ҳимоячиси – адвокат Д.Хнинг иштирокида, Ф.Ҳга оид жиноят ишини Наманган вилоят прокурори ўринбосарининг кассация протестига асосан кўриб, қуйидагиларни

### а н и қ л а д и:

Жиноят ишлари бўйича [REDACTED] судининг 2024 йил 18 сентябрдаги ажримига кўра:

[REDACTED] да туғилган,  
ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта,  
оиласиз, 4 нафар фарзанди бор, судланмаган,  
вақтинча ишсиз, [REDACTED]  
[REDACTED] да рўйхатда туриб, [REDACTED]  
[REDACTED] да яшовчи Ҳ.Ф.Ога

Ўзбекистон Республикаси ЖК 122-моддасининг 1-қисми билан юритилган жиноят иши ЖПК 84-моддаси биринчи қисмининг 8-бандига асосан тугатилган.

Суднинг ажримига кўра, Ф.Ҳ фуқаролик ишлари бўйича [REDACTED] судининг 2018 йил 2 февралдаги суд буйруғига асосан ундирувчи Д.Ғнинг фойдасига 2 нафар фарзандларини вояга етгунига қадар уларни моддий таъминоти учун ҳар ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларининг 1/3 қисми миқдорида алимент тўлаши лозим бўлса-да, 2018 йилнинг февраль ойидан 2022 йилнинг сентябрь ойига қадар 24 051 984 сўм алиментдан бўлган қарздорликни тўлаб беришдан қасддан бўйин товлаб келганлиги учун 2022 йил 22 сентябрда МЖТК 47<sup>4</sup>-моддасининг 1-қисми билан маъмурий жазога тортилган бўлса-да, бундан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, икки нафар вояга етмаган фарзандларининг моддий таъминоти учун 2022 йилнинг сентябрь ойидан 2024 йилнинг июль ойига қадар бўлган даврга ҳисобланган жами 22 ой учун 40 475 548 сўм алиментни тўламадан қасддан бўйин товлаган.

Иш судда кўрилиши давомида, судланувчи Ф.Ҳ томонидан жабрланувчи Д.Ғга тўланиши лозим бўлган жами 64 527 532 сўм алимент маблағлари тилхат ва гувоҳларнинг кўрсатувлари асосида қопланганлиги аниқланган.

Протестда, суд ЖПКнинг 421-моддаси талабларига риоя қилмасдан, ишни ажрим чиқариш йўли билан асоссиз шахснинг айблилик масаласини ҳал қилмай туриб тугатиб, хатога йўл қўйганлиги сабабли суд ажримини бекор қилиб, айблов ҳукми чиқариш сўралган.

Эътирозномада Ф.Ҳ суд ажримини ўзгаришсиз қолдиришни сўраган.

Кассация инстанцияси, иш бўйича вилоят суди судьяси Д.Тнинг маърузасини, прокурор Р.Онинг протестни қувватлаш ҳақидаги, судланган Ф.Ҳ ва химоячиси [REDACTED]нинг протестни рад қилиб, суд ажримини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, иш ҳужжатларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ажримини бекор қилиб, хусусий протестни қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 8-бандида, Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида шахснинг ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги туфайли ёхуд белгиланган муддат ичида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланганлиги ва (ёки) жиноят оқибатлари бартараф этилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиниши назарда тутилган бўлса, унинг жиноят содир этилишида айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб, жиноят иши тугатилиши лозимлиги белгиланган.

Суд эса ажримда қайд этилган Қонун талабларидан келиб чиқиб, Ф.Ҳ жабрланувчи Д.Ғга алиментдан бўлган 64 527 532 сўм қарздорлигини тўлиқ тўлаб, алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни тўлиқ бажарганлиги, жиноят ишини унинг айблилик масаласини ҳал қилмай туриб тугатилишига розилигини инобатга олиб, Ф.Ҳни жавобгарликдан озод қилиб, унга нисбатан юритилган жиноят ишини унинг айблилик масаласини ҳал қилмай туриб тугатишни қайд этган бир вазиятда, ўз қарорига зид равишда суд терговини ўтказиб, унинг айблилик масаласини муҳокама қилиб, хатога йўл қўйган.

ЖПКнинг 421-моддасида, агар суд мажлисида ушбу Кодекснинг 83-моддасида ва 84-моддаси биринчи қисмининг 1, 2, 3 ва 8-бандларида назарда тутилган асослар аниқланса, суд ишни кўришни давом эттириши ҳамда 83-моддада назарда тутилган асослар бўйича оқлов ҳукми, 84-модда биринчи қисмининг 1, 2, 3 ва 8-бандларида назарда тутилган асослар бўйича эса айбдор шахсга жазо тайинламай, айблов ҳукми чиқариш белгиланган.

Бу ҳолатда биринчи инстанция судининг ажримини қонуний ва асосли деб ҳисоблаб бўлмайди.

ЖПК 509<sup>12</sup>-моддаси 2-қисмининг 2-бандида, кассация инстанцияси суди ишни биринчи инстанция судининг ажрими устидан берилган хусусий шикоят (хусусий протест) бўйича кўриш натижаларига кўра, ажримни бекор қилишга ва ишни янгидан судда кўриб чиқиш учун юборишга ҳақли эканлиги белгиланган.

Протест важлари асосли бўлиб, суд айблилик масаласини ҳал қилган Ф.Ҳга нисбатан жазо тайинламасдан айблов ҳукми чиқариш ўрнига ишни ажрим билан тугатиб, нотўғри қарор қабул қилгани, кассация инстанцияси ажрим билан тугатилган ишлар бўйича янги айблов ҳукми чиқариш ваколатига эга эмаслиги сабабли, суд ажримини бекор қилиб, ишни янгидан суд мажлисида кўриш учун юбориш лозим бўлади.

Шу сабабли, кассация инстанцияси Ф.Ҳга оид суд ажримини бекор қилиб, ишни янгидан биринчи инстанция судида кўриш учун юборишни, хусусий протестни қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 493, 509<sup>7</sup>, 509<sup>9</sup>, 509<sup>10</sup>, 509<sup>12</sup>-моддаларига амал қилиб, кассация инстанцияси

### А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Жиноят ишлари бўйича [REDACTED] судининг 2024 йил 18 сентябрдаги Ҳ.Ф.Ога нисбатан чиқарган ажрими бекор қилинсин.

Жиноят иши янгидан биринчи инстанция судида кўриш учун юборилсин.

Протест қисман қаноатлантирилсин.

Раислик қилувчи:

Ҳайъат судьялари:

Имзо

Имзо

Имзо

Д.Т

Д.К

Ш.Қ

“Ажрим нусхаси аслига тўғри”

Вилоят суди судьяси:

Д.Т